

**ПУДРАТ**  
**ШАРТНОМАСИ № 7**

"14" 10 2022 йил

Тошкент шаҳри

Кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган “IMAGE BUILD” МЧЖ номидан низом асосида иш кўрувчи **Маматкулов Ш.Р** бир томондан ва кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган “**Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети**” номидан низом асосида иш кўрувчи ректор **Болтабаев М.Р** иккинчи томондан 2022 йил 21 сентябрдаги 22110012153852-сонли лот орқали 2022 йил 12-октябрда харид комиссиясининг 153852-сонли баённомасига асосан ободонлаштириш ва капитал таъмирлаш ишларига доир мазкур пудрат шартномасини тузди.

**I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ**

1. Пудратчи мазкур шартномага мувофиқ **Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Спортчилар кўчаси 19 уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳудудида ободонлаштириш ишлари ва 12 очколи ҳожатхона биносини мукаммал таъмирлаш ишларини** бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига капитал таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ**

2. Мазкур шартноманинг умумий суммаси **1 410 540 000,00 (Бир миллиард тўрт юз ўн миллион беш юз қирик минг) сўм 00** тийинн (ҚҚС билан) ташкил этади.

3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

4. Қурилиш муддати бир белгиланган муддатдан ортиқ бўлганда шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

**III. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг I бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун муддатда таъмирлаш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

#### **IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

8. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун майдонини Пудратчига бериш, тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Шартномага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### **V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

9. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб ва шартнома қонун ҳужжатларига мувофик тегишли ғазначилик рўйхатидан ўтказилгандан кейин кучга киради.

10. Пудратчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

11. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти шартноманинг аванс суммаси пудратчи ҳисоб рақамига ўтказилган кундан эътиборан 70 (етмиш) кунни ташкил этади.

#### **VI. ТҶЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

12. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича 15 фоиз аванс ўтказади, бу **211 581 000,0** (икки юз ўн бир миллион беш юз саксон бир минг) сўм 00 тийинни ташкил этади.

13. Таъмирланаётган объектнинг қолган 80 фоизи учун тўлови Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги бажарилган ишларнинг форма -2 ва форма -3 шаклларига асосан амалга оширилади. Қолган 5 фоизи объект фойдаланишга топширилгандан кейин 1 (бир) йилдан сўнг тўлаб берилади.

#### **VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

14. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг V бўлимида кўрсатилган муддатда ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

15. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

16. Таъмирлаш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

17. Таъмирлаш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

18. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

19. Агар Буюртмачи Пудратчи томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

20. Пудратчи таъмирлаш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

21. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро

муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## **VIII. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ**

22. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

23. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## **IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ**

24. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

25. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

26. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **X. ТАЪМИРЛАНИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ**

27. Таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

28. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида қабул қилиб олинади.

29. Қабул қилиб олинган пайдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## **XI. КАФОЛАТЛАР**

30. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини; ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

31. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан қаида 12 ой этиб белгиланади.

32. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

## **XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

33. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

34. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

35. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

36. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

37. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКҲЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

38. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида,

бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

39. Мазкур шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун

Буюртмачн Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.01 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

40. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачн Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

41. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.01 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва қачиликлар ўз вақтида баргараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

42. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

43. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### **XIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

44. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужалик суди томонидан кўриб чиқилади.

#### **XV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР**

45. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

46. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисmlарига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

47. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

48. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

49. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди ва **2022 йилнинг 31 декабрига** қадар амал қилади.

**XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ  
ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:**

**Пудратчи**

**“IMAGE BUILD”  
МЧЖ**

Манзил: Тошкент шаҳар, М.Улуғбек  
тумани, М.Улуғбек кўчаси 71  
Тел: 91-192-57-16  
р/с: 20208000600742024001  
Банк: Трастбанк Дархон филиали  
МФО: 00954  
ИНН: 304 714 112  
ОКЭД: \_\_\_\_\_  
НДС коди 326 020 092 064



Директор: \_\_\_\_\_

Маматкулов Ш.Р

**Буюртмачи**

**“Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия  
ва спорт университети”**

Манзил: Тошкент в. Чирчик ш  
Спортчилар кўчаси 19 уй  
Тел: (0370) 717-17-71, (70)717-37-73  
л/с - 400910860274197094100135001  
ИНН: 200541019 ОКЭД: 85420  
Мин.Фин.Казначейства ОПЕРУ  
р/с: 23402000300100001010  
ИНН: 201122919 МФО: 00014  
Банк: РКЦ ГУ ЦБ ғ.Ташкент



Ректор: \_\_\_\_\_

Болтабаев М. Р.

Ўрнат:

*Б. Суренов*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI



MIRZO ULUG'BEK TUMANI "YAGONA DARCHA" MARKAZI  
YURIDIK SHAXSNI RO'YXATDAN O'TKAZISH TO'G' RISIDA

# GUVOHNOMA

Reestr № 011698-04

№ 011698

2017 yil "06" mart

Mazkur guvohnoma


"IMAGE BUILD"

		yuridik shaxsga berildi
Tashkari-huquqiy shakli	Mas'uliyati cheklangan jamiyat	TSHST (ОПФ) 152
Mulkchilik shakli	Xususiy	MSHT (ФС) 142
Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili	MIRZO ULUG'BEK SHOX KO'CHASI, 71-UY.	MHBT (СОАТО) 1726269
Yuridik shaxs kodi		KTUT (ОКПО) 26964929
Soni to'lovchining identifikatsiya raqami		STIR (ИИИ) 304714112

Qo'shimcha ma'lumotlar

Vakolatli organ boshlig

E.T. NARBEKOV



ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ

# «IMAGE BUILD»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕК ДАНГАН ЖАМИЯТИ

Адрес: г. Ташкент, Мирзо Улугбекский район, пр-т Мирзо-Улугбея, д. 71; ИНН: 304714112

## ПРИКАЗ №1

7 марта 2017 г.

г. Ташкент

1. Я, МАМАТКУЛОВ ШУХРАТ РАИМЖОН УГЛИ (MAMATKULOV SHUHRAT RAIMJON O'G'LI), вступаю в должность директора Общества с 7 марта 2017 года по совместительству, с оплатой, согласно штатному расписанию.
2. Хранение круглой печати и углового штампа оставляю за собой.
3. Принимаю на себя функции бухгалтерского учета и финансового управления.
4. Утвердить следующий перечень лиц, осуществляющие руководящие функции субъекта бухгалтерского учета и имеющие право первой подписи на документах, служащих основанием для приема и выдачи денег, товарно-материальных и других ценностей, кредитных и расчетных обязательствах, а также финансовой и иной отчетности:
  - 4.1 МАМАТКУЛОВ ШУХРАТ РАИМЖОН УГЛИ.
5. Утвердить следующий перечень лиц, осуществляющие функции бухгалтерского учета и финансового управления и имеющие право второй подписи на документах, служащих основанием для приема и выдачи денег, товарно-материальных и других ценностей, кредитных и расчетных обязательствах, а также финансовой и иной отчетности:
  - 5.1. МАМАТКУЛОВ ШУХРАТ РАИМЖОН УГЛИ.

Основание: Решение учредителя ООО «IMAGE BUILD» от 03.03.2017 г.



Директор

Маматкулов Ш.Р.



REDMI NOTE 8 PRO  
AI QUAD CAMERA

Q. LEY K. DEX. 2017. YIL 3. MARTDAGI QARORNI QABUL QILGAN VAZIRLIK HUKUMAT KAMALATI HAY'ATI  
TASDIQLANIB, YUQUQI HUKUMAT  
QARORAT BILAN QABUL QILINIB  
TASDIQLANIB, HUKUMAT  
RO'YXATGA OLINDI  
2017. 06. 03. № 011658-04



«TASDIQLANGAN»  
«IMAGE BUILD»  
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN  
JAMIYATI TA'ASSISCHISINING  
2017 йил 3 мартдаги Қарори билан

# «IMAGE BUILD»

MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATINING

## УСТАВИ

Тошкент-2017

## МУНДАРИЖА

		Бет
1-МОДДА	УМУМИЙ ҚОНДАЛАР	3
2-МОДДА	ЖАМИЯТНИНГ НОМИ, ПОЧТА МАИЛИ ВА ФАОЛИАТ МУДДАТИ	3
3-МОДДА	ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИАТ ДОНРАСИ	3
4-МОДДА	ХУКУҚЛАР	4
5-МОДДА	ЖАМИЯТНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ	4
6-МОДДА	ИШТИРОКЧИНИНГ ХУКУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ	5
7-МОДДА	ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ	5
8-МОДДА	ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИ КУПАЙТИРИШ	6
9-МОДДА	ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИ КАМАЙТИРИШ	6
10-МОДДА	ЖАМИЯТНИНГ МОЛ-МУЛКИ	7
11-МОДДА	ФОНДИНИ ТАКСИМЛАШ ВА БАРЛАРИНИ ҚОНЛАШ	7
12-МОДДА	ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИДАГИ УЛУШИНИ (УЛУШИНИНГ БИР ҚИСМИНИ) УЧУНЧИ ШАХСЛАРГА УТИШИ	7
13-МОДДА	БОШҚАРУВ	8
14-МОДДА	ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ	8
15-МОДДА	ЖАМИЯТНИНГ ДИРЕКТОРИ	9
16-МОДДА	ЖАМИЯТНИНГ МОЛЛИЯВИЙ ХУЖАЛИК ФАОЛИЯТИ, ЖАМИЯТНИНГ ХИСОБИ ВА ХИСОБОТИ	9
17-МОДДА	ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ	9
18-МОДДА	ЖАМИЯТ ХУЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ	9
19-МОДДА	ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИСИ ВА БОШҚА ШАХСЛАРГА ЖАМИЯТНИНГ АХБОРОТИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ	10
20-МОДДА	БОШҚА ШАРТЛАР	10

## 1-МОДДА. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1.1. Кейинги ўринларда «Жамият» деб аталувчи «IMAGE BUILD» масъулияти чекланган жамиятининг ушбу Устави 2017 йил 3 мартдаги таъсисчининг қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тузрилишига Қонуни (кейинги ўринларда - «Қонун») ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъриий ҳужжатларига мувофиқ ҳолда тузилган.

1.2. Жамиятнинг иштирокчиси:

- Кейинги ўринларда «ИШТИРОКЧИ» деб аталувчи, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 7-даҳа, 18-В уй, 13-хонадонда истикомат қилувчи, паспорт АА4133722, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИБ томонидан 01.02.2014 йилда берилган, МАМАТКУЛОВ ШУХРАТ РАИМЖОН О'Г'ЛИ (МАМАТКУЛОВ ШУХРАТ РАИМЖОН УГ'ЛИ).

1.3. Жамият Иштирокчиларининг таркиби узгартирилиши мумкин, шунингдек ут хоҳини билан Жамият таркибига кириш истагини билдирган, унинг Уставини тая олган ва таъсис бадалини тулаган мавнафатдор юридик ва жисмоний шахслар қабул қилиниши ҳисобига кенгайтирилиши мумкин.

1.4. Жамият Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсидир, мустақил баланси, банк муассасаларида ҳисоб ва бошқа рақамлари ва эгадир. Жамият уз фаолиятини тулик ҳужжатлик ҳисоби, уз ўзини молиявий таъминлаш ва уз харажатларини ўзи қоплаш асосида олиб боради.

1.5. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда рўйхатга олинган пайтидан бошлаб юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади.

1.6. Жамият тулик фирма номи, давлат тилида ифодаланган думалок муҳрга эга.

1.7. Жамият уз фирмали номи ёзилган тамгалари ва бланкаларига, уз тимсолига, шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатдан утказилган товар белгисига, ҳамда бошқа уз белги-аломатларига эга бўлишига ҳақлидир.

1.8. Жамият ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинмаган алоҳида мол-мулкка эга, уз номидан ҳуқуқларга эгаллик қилиши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жаъобгар бўлиши мумкин.

## 2-МОДДА. ЖАМИЯТНИНГ НОМИ, ПОЧТА МАНЗИЛИ ВА ФАОЛИЯТ МУДДАТИ

2.1. Жамият тулик фирмали номига эга:

- ўзбек тилида - «IMAGE BUILD» Mas'uliyati cheklangan jamiyati;
- рус тилида - Общество с ограниченной ответственностью «IMAGE BUILD».

2.2. Жамият қиска фирмали номига эга:

- ўзбек тилида - «IMAGE BUILD» MChJ;
- рус тилида - ООО «IMAGE BUILD».

2.3. Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мирзо-Улугбек шох кўчаси, 71-уй.

2.4. Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган.

## 3-МОДДА. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТ ДОИРАСИ

3.1. Жамият уз ишбилармонлик фаолиятининг асосий мақсади сифатида фойда олишни кўзловчи тижорат ташкилотидир.

3.2. Жамиятнинг асосий фаолият доираси ҳақ ҳўжжани ва аҳолини ҳақ истеъмол молларга, ишлаб чиқариш маҳсулотларга ва турли фаолият соҳаларида хизматларга эҳтиёжларини қоплашни ҳисобланади.

3.3. Уз фаолиятининг доираси ва мақсадига эришиш учун Жамият қуйидагиларни амалга оширади:

- бошқа пардозлаш ишлари;
- чакана савдо;
- улгуржи савдо;
- консалтинг хизматларини кўрсатиш;
- маркетинг изланишлар, тижорат фаолияти, молия ва бошқарува бўйича маслаҳатлар бериш;
- лизинг ва ижара;
- корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахсларга дистрибуторлик, дилерлик, агентлик ва ишжариани хизматларини кўрсатиш, маркетинг изланишларини ўтказиш;
- ташқи иқтисодий фаолият.

## 6-МОДДА. ИШТИРОКЧИНИНГ ХУКУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 6.1. Жамият Иштирокчиси куйидаги хукукларга эга:
- «Конун» ва Жамиятнинг Уставида белгиланган тартибда Жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;
  - Конун ҳужжатларида ва Жамият Уставида белгиланган тартибда Жамиятнинг фаолияти туғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дфтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;
  - фойдани тақсимлашда иштирок этиш;
  - Жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкни ёки унинг қийматини олиш.
- 6.2. Жамиятнинг Иштирокчиси Жамиятнинг Устав фондидаги ўзига тегишли улушни (улушнинг бир қисмини) учинчи шахсга Жамият Иштирокчисининг қарорига биноан гаровга қўйишга ҳақлидир.
- 6.3. Жамият Иштирокчиси конун ҳужжатларида ва Жамиятнинг Уставида назарда тутилган бошқа хукукларга ҳам эга бўлишлари мумкин.
- 6.4. Жамият Иштирокчисининг мажбуриятлари:
- «Конун»да ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, микдорда, сулларида ва муддатларда хисса қўшишлари;
  - Жамият фаолияти туғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмасликлари шарт.
- Жамият Иштирокчиси конун ҳужжатларида ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## 7-МОДДА. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ

- 7.1. Жамиятнинг фаолиятини таъминлаш учун Иштирокчи ҳисобидан Устав Фонди ташкил қилинади. Жамият Устав Фонди унинг Иштирокчиси улушининг номинал қийматидан ташкил қилинади ва 6 000 000 (олти миллион) сўми ташкил этади.
- 7.2. Жамият Иштирокчисининг Устав Фондидаги улуши миқдори ва унинг номинал қиймати куйидагича тақсимланади:

Иштирокчи	Улуш миқдори	Улушнинг номинал қиймати
MAMATKULOV SHUXRAT RAIMJON O'G'LI	100%	6 000 000 (олти миллион) сўм

- 7.3. Иштирокчи Устав Фондига ўз улушини куйидаги кўринишида киритиши мумкин:
- пул воситалари;
  - хар қил мол-мулк турлари (бино ва иншоотлар, асбоб-ускуналар, асбоб-ускуналарга эҳтиёт қисмлар, хом ашё ва бошқа товар моддий бойликлар);
  - қимматли қоғозлар;
  - мол-мулк хукуклари, ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга утказиладиган ўзга хукуклар.
- 7.4. Иштирокчи томонидан киритилаётган мол-мулкнинг қиймати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ равишда баҳоланади.
- 7.5. Жамиятнинг Иштирокчиси ва Жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахслар томонидан Жамиятнинг Устав Фондига қўпиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳоси Жамият Иштирокчисининг қарори билан тасдиқланади.
- 7.6. Жамиятнинг Иштирокчиси Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб бир йилдан ошмайдиган муддат мобайнида Жамиятнинг Устав Фондига ўз ҳиссасини тўлиқ киритиши керак.
- 7.7. Жамият Иштирокчиси томонидан ҳиссанинг тўлиқ киритилганлиги Жамият Иштирокчисига белгилаган гувоҳнома билан тасдиқланади.

## 8-МОДДА. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИ КўПАЙТИРИШ

- 8.1. Жамиятнинг Устав фондини кўпайтиришга, у тўлиқ тўланганидан кейингина йўл қўйилади.
- 8.2. Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш Жамият Иштирокчиси қарорига биноан амалга оширилади.
- 8.3. Жамият Устав фондини кўпайтириши:
- Жамиятнинг мол-мулки;
  - Жамият Иштирокчисининг қўшимча ҳиссалари;

- Жамиятнинг ўз балансида турган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги Низоомлар;
- Жамият Иштирокчисининг қарорлари;
- аудиторлик ташкилотининг хулосалари;
- қонуи ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

18.2. Жамият ушбу Уставнинг 18.1-бандида назарга тутилган ҳужжатларни ушбу ижро қувват органининг жойлашган манзили буйича сақлайди.

### 19-МОДДА. ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИСИ ВА БОШҚА ШАХСЛАРГА ЖАМИЯТНИНГ АХБОРОТИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ

19.1. Иштирокчининг, аудиторнинг талаби билан, улар кўрсатган ядрокли мулдатга Жамият ушбу таъсис ва бошқа ҳужжатлари, шунингдек Жамият фаолияти билан боғлиқ бошқа ахборот билан танишиш имкониятини бериши шарғ.

### 20-МОДДА. БОШҚА ШАРТЛАР

20.1. Ушбу Уставга киритиладиган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар Жамият Иштирокчиси томонидан ушбу Устав ва қонуи ҳужжатларида назарда тутилган қоидалар буйича тасдиқланган, сўнгра давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Ушбу Уставга киритиладиган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар қонуи ҳужжатларида назарда тутилган тартибда кучга киради.

20.2. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг қонуичилигига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради.

20.3. Ушбу Устав Жамиятнинг барча органлари, Жамият персонали ва таалукли шахслар ва бошқа учинчи шахсларга нисбатан мажбурий кучга эга.

20.4. Агар ушбу Уставнинг бирор бир қондаси ўз кучини йукотса, қолган қондалар ўз кучини сақлаб қолади.

20.5. Ушбу Уставда ҳал этилмаган масалалар Ўзбекистон Республикаси қонуичилигига мувофиқ ҳал этилади.

УШБУ УСТАВНИ ИМЗОЛАДИ:

*Имзо қилди Шайхат Раҳимов*

MALUMOTLAR / OBSERVATIONS

2021 11 19 10:00 AM 10

YASHASH JOYI / ADDRESS

NO. 100  
18<sup>B</sup> K. C. 7

13

22/2/46



BRITISH INDIAN AIR FORCE  
OFFICE OF THE QUARTERMASTER GENERAL  
CANTONMENT  
PO BOX 100  
MADRAS



## Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 153852 на приобретение 12 очколи

Способ проведения электронный

Дата 12.10.2022

Время рассмотрения 30.09.2022 15:04

Закупочная комиссия Узбекский Государственный университет физической культуры и спорта, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Член комиссии</b>	Axmedov Ikrom Akromovich	O'quv ishlari bo'yicha prorektor komissiya a'zosi	UzDJTSU
<b>Член комиссии</b>	SIROJOV BOTIR YULDASHEVICH	Bosh yuriskonsul't komissiya a'zosi	O'zDJTSU
<b>Член комиссии</b>	KARIMOV DJAXONGIR GANIBOYEVICH	Bosh auditor komissiya a'zosi	O'zDJTSU
<b>Член комиссии</b>	IBRAGIMOV INOMJON ILHOMOVICH	Moliya iqtisod ishlari bo'yicha prorektor (Xarid komissiya rais o'rinbosari)	O'zDJTSU
<b>Член комиссии</b>	TOG'AYEV ABDULAZIZ XOLMAMATOVICH	Reja-moliya bo'limi boshlig'i	UzDJTSU
<b>Член комиссии</b>	SHAKIROV DAMIR GULSHANOVICH	Bosh muhandis	O'zDJTSU
<b>Председатель комиссии</b>	Boltabayev Maxmudjon Rustamovich	Rektor xarid komissiya raisi	O'zDJTSU.
<b>Секретарь комиссии</b>	NASRIYEV G'OLIBJON MUHIDDINOVICH	Xarid bo'yicha bosh mutaxassis komissiya kotibi	UzDJTSU

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 12.10.2022 года № лота 153852.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 60.00 / Весовой коэф. ценовой части: 40.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по капитальному ремонту сооружений
Подробное описание	Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети худудида ободонлаштириш ишлари ва 12 очколи ҳожатхона биносини мукаммал таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	1541 054 255.00
Стартовая сумма	1541 054 255.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Taklif berayogan ishtirokchi tashkilotning xodimlari to'g'nsida ma'lumot

Тип: Текстовое значение

Описание: Taklif berayogan ishtirokchi tashkilotning xodimlari to'g'nsida ma'lumot. Xodimning (F.I.O tug'ilgan yili va ishga kirgan vaqti)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
IMAGE BUILD	10	маълумотлар файлда илова килинмоқда	7	Экспертная		
ООО AN - NUR BXI	10	ходимлар маълумоти	6	Экспертная		
ООО GREAT BUILDING COMPANY	10	mehnat.uz сайтидан онлайн меҳнат шартномалари ва ходимлар руйхати такдим этилди	10	Экспертная		
ООО CHIRCHIQ KIMYO SERVIS	10	Ишчи ходимларимиз тугрисида маълумот	10	Экспертная		
OMAD BARAKA MEGA STROY MCHJ	10	10	10	Экспертная		
ООО SAMARIDDIN STROY BUSINESS	10	10	10	Экспертная		

Критерий №2 Ishtirokchi haqida umumiy ma'lumot

Тип: Текстовое значение

Описание: Taklif beruvchi yuridik tashkilot haqida umumiy ma'lumotni taqdim etishi kerak: 1. Bank rekvizitlari 2. Yuridik manzili 3. Ro'yxatdan o'tgan raqami va sanasi 4. Ta'asischilari haqida ma'lumot (F.I.SH va INN) va ulushlari 5. Tashkiliy-huquqiy shakli 6. Tashkilot rahbarining to'liq F.I.SH va INN

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
IMAGE BUILD	10	маълумот файлда илова килинмоқда	9	Экспертная		
ООО AN - NUR BXI	10	умумий маълумот	7	Экспертная		
ООО GREAT BUILDING COMPANY	10	Пудрат ташкилоти хақидаги умумий маълумотлар такдим килинди	9	Экспертная		
ООО CHIRCHIQ KIMYO SERVIS	10	Ishtirokchi haqida umumiy ma'lumot	7	Экспертная		
OMAD BARAKA MEGA STROY MCHJ	10	10	7	Экспертная		
ООО SAMARIDDIN STROY BUSINESS	10	10	7	Экспертная		

Критерий №3 Kerakli va zarur asbob-uskunalarning mavjudligi

Тип: Текстовое значение

Описание: Taklif berayogan ishtirokchi tashkilotning e'londagi ishlarni amalga oshirish uchun zarur bo'lgan asbob-uskunalari mavjudligini tasdiqlovchi hujjatlar va kafolat xatlari

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
IMAGE BUILD	10	маълумот файлда илова килинмоқда	7	Экспертная		
ООО AN - NUR BXI	10	асбоб ускуналар	8	Экспертная		
ООО GREAT BUILDING COMPANY	10	Курилиш ишларида ишлатиладигон асбобускуналар руйхати ва уларнинг хужжатлари илова килинди	6	Экспертная		
ООО CHIRCHIQ KIMYO SERVIS	10	керакли ва зарур асбоб ускуналар мавжуд	8	Экспертная		
OMAD BARAKA MEGA STROY MCHJ	10	10	6	Экспертная		
ООО SAMARIDDIN STROY BUSINESS	10	10	9	Экспертная		

Критерий №4 Moliyaviy barqarorlik. Korxonaning so' nggi uch yildagi moliyaviy natijalarini ta' minlash

Тип: Текстовое значение

Описание: Budjet va budjetdan tashqari qarzlار yo' qligi to' g' risida Davlat soliq inspeksiyasidan ma' lumotnoma, so' nggi uch yildagi ijobiy moliyaviy natijasi. Bankdan kartoteka qarzdorligi yo' qligi bo' yicha ma' lumot

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
IMAGE BUILD	10	маълумот илова килинмоқда	8	Экспертная		
ООО AN - NUR BXI	10	маълумотлар	6	Экспертная		
ООО GREAT BUILDING COMPANY	10	Ташкилотник 3 йиллик балансларидан нусха банкдан қарздорлиги йукли ва молиявий ахволи хақидаги хатлар ҳамда солиқ органларидан қарзи йуклиги тугрисидаги справкалар нусхалари илова килинди	9	Экспертная		
ООО CHIRCHIQ KIMYO SERVIS	10	маълумотнома	7	Экспертная		
OMAD BARAKA MEGA STROY MCHJ	10	10	6	Экспертная		
ООО SAMARIDDIN STROY	10	10	8	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
BUSINESS						

Критерий №5 Ish kuchi va ish tajribasi

Тип: Текстовое значение

Описание: Tanlov e'lonida ko'rsatilgan xizmatlar bo'yicha oxirgi 2021 yilda boshqa tashkilotlar bilan tuzilgan shartnomalari dan nusxa kamida ikkita

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
IMAGE BUILD	20	маълумот илова килинмоқда	19	Экспертная		
ООО AN - NUR BXI	20	шартномалар	15	Экспертная		
ООО GREAT BUILDING COMPANY	20	охирги 3 йилда килинган ишлар руйхати ва буюртмачилар билан килинган шартномалар нусхаси илова килинди	19	Экспертная		
ООО CHIRCHIQ KIMYO SERVIS	20	иш тажрибаси	15	Экспертная		
OMAD BARAKA MEGA STROY MCHJ	20	20	10	Экспертная		
ООО SAMARIDDIN STROY BUSINESS	20	20	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО SAMARIDDIN STROY BUSINESS	1 541 054 255.00	1 451 670 000.00 UZS	1 451 670 000.00	00.00	1 451 670 000.00	28.09.2022 19:13:00	38.86668
ООО CHIRCHIQ KIMYO SERVIS	1 541 054 255.00	1 425 475 185.00 UZS	1 425 475 185.00	00.00	1 425 475 185.00	28.09.2022 17:56:50	39.58091
ООО GREAT BUILDING COMPANY	1 541 054 255.00	1 410 540 000.00 UZS	1 410 540 000.00	00.00	1 410 540 000.00	28.09.2022 16:50:11	40
IMAGE BUILD	1 541 054 255.00	1 495 000 000.00 UZS	1 495 000 000.00	00.00	1 495 000 000.00	28.09.2022 08:39:52	37.7402
ООО AN - NUR BXI	1 541 054 255.00	1 520 000 000.00 UZS	1 520 000 000.00	00.00	1 520 000 000.00	28.09.2022 16:18:01	37.11947

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО SAMARIDDIN STROY BUSINESS	43.9998	38.86668	82.86648
ООО CHIRCHIQ KIMYO SERVIS	46.9998	39.58091	86.58071
OMAD BARAKA MEGA STROY MCHJ	Не прошел	Не прошел	Не прошел
ООО GREAT BUILDING COMPANY	52.9998	40	92.9998
IMAGE BUILD	49.9998	37.7402	87.74
ООО AN - NUR BXI	42	37.11947	79.11947

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 153852 от 12.10.2022 года на приобретение 12 очколи определила победителем:

ООО GREAT BUILDING COMPANY  
305197867

и резервный исполнитель: IMAGE BUILD (304714112)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	Boltabayev Maxmudjon Rustamovich	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SIROJOV BOTIR YULDASHEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	KARIMOV DJAXONGIR GANIBOYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	Axmedov Ikrom Akromovich	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	IBRAGIMOV INOMJON ILHOMOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SHAKIROV DAMIR GULSHANOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	TOG'AYEV ABDULAZIZ XOLMAMATOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



«КЕЛИШИЛДИ»

Ўзбекистон Республикаси Спортни  
ривожлантириш вазирлиги

А. Каримов



«ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА  
СПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ»

М. Болтабаев

Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг бюджетдан ташқари (ўқитишнинг тўлов-контракт шакли)

маблағлари ҳисобига 2022 йилда амалга ошириладиган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ишлари

МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

(млн. сўм)

№	Объект номи ва манзили	Амалга ошириш муддати	Ўлчов бирлиги	Лойиха куввати	Шундан 2022 йилда топшириладиган кувват	2022 йил учун лимит	Дастурга киритиш учун асос
1	Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳудудидаги 800 ўринли С ўқув биносини мукамал (капитал) таъмирлаш	2022 йил	ўқ. ўрин	800	6 556,0	6 556,0	Университет кузатув кенгашининг 25.04.2022 даги 1-сон йиғилиш баёни
2	Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳудудидаги футбол майдонини сунъий қоплама билан қоплашб, футбол майдони югуриш йўлаги резина қопламасини янгисига алмаштириш	2022 йил	объект	1	9 612,0	9 612,0	
3	Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Спортчилар кўчаси 19-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳудудидаги 12x24 ўлчамдаги илмий марказ биносини мукамал (капитал) таъмирлаш	2022 йил	объект	1	1 600,0	1 600,0	
4	Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Спортчилар кўчаси 19-уй манзилида футбол майдони ён томонидаги мавжуд 12 очколи ташки ҳожатхонани капитал таъмирлаш, ҳудудда велосипедлар турар жойлари ташкил этиш, 2 та кириш дарвозаларини янги қиёфага келтириш, ободонлаштириш ишлари	2022 йил	объект	1	1 540,0	1 540,0	

Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор

Режа-молия бўлими бошлиғи

И.Ибрагимов

А.Тогаев

Бош бухгалтер

Бош муҳандис

М.Махамов

Д.Шакиров